

Махмасобирова Н. - ТДШИ  
таянч докторанти

## ИНВЕСТИЦИОН ХАВФСИЗЛИК, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада инвестицион хавфсизликнинг моҳияти, хусусиятлари, уни аниқлаш меъзонлари, таъминлаш чора-тадбирлари ва йўналишлари ёритилган бўлиб, Ўзбекистон инвестицион фаолиятнинг ҳозирги ҳолати қисқача таҳлил қилинган.

**Annotation.** This article describes the nature, features, definition criteria, measures and directions of investment security and provides a brief overview of the current state of investment activity in Uzbekistan.

**Аннотация.** В данной статье описываются сущность, особенности, критерии определения, меры и направления обеспечения инвестиционной безопасности и дается краткий обзор текущего состояния инвестиционной деятельности в Узбекистане.

**Калит сўзлар:** инвестиция, иқтисодий хавфсизлик, инвестицион хавфсизлик, инвестицион хавфсизлик меъзонлари, инвестицион хавфсизликка таҳдидлар, инвестицион хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари, инвестицион фаолият.

**Keywords:** investment, economic security, investment security, investment security criteria, investment security threats, measures of ensuring investment security, investment activity.

**Ключевые слова:** инвестиция, экономическая безопасность, инвестиционная безопасность, критерии инвестиционной безопасности, угрозы инвестиционной безопасности, меры обеспечения инвестиционной безопасности, инвестиционная деятельность.

Ички ва хорижий инвестицияларнинг ижобий динамикисиз иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш қийиндир. Иқтисодий ўсишга шароит яратишда инвестициялар марказий роллардан бирини ўйнаб, инвестицион хавфсизлик масаласи долзарб мавзулардан саналади.

Иқтисодий ва инвестицион хавфсизлик даражаси қанчалик юқори бўлса, сармоядорлар иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестиция киритиш даражаси ҳам юқори бўлиши табиийдир. Инвестицион хавфсизлик давлат ҳокимияти органларининг миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ва барқарор

ўсишини белгилайдиган инвестиция жараёнларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш қобилияти бўлиб, инвестицион хавфсизлик ҳар қандай давлатнинг иқтисодий хавфсизлигининг ажралмас қисми саналади.

Иқтисодий ва инвестицион хавфсизлик масалаларини рус олимларидан Л.Абалкин, В.Аксенов, И.Богданов, В.Богомолов кабилар ўрганган бўлсалар, инвестицияларнинг моҳияти ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамиятини Ж.М.Кейнс, В.Ф.Шарп, М.Портер, Ж.К.Ван Хорн, Д.В.Бейли, Г.Ж. Александр, П.Фишер, С.Кикери, Т.Кенён, Т. Палмад каби хорижлик тадқиқ этганлар<sup>1</sup>.

Инвестицион хавфсизлик – бу инвестиция тизимининг барча институтларининг шундан ҳолатики, бунда иқтисодий тизимнинг кафолатланган ҳимояси ва ижтимоий йўналтирилган барқарор ривожланиши, мамлакатдаги молиявий муносабатлар ва жараёнларнинг умумийлиги таъминланади. Барқарор ривожланиш - бу уйғун ривожланиш бўлиб, бунда табиий ресурслардан фойдаланиш, инвестиция йўналишлари, илмий ва технологик ривожланиш йўналиши, шахсият ривожланиши ва институционал ўзгаришлар бир-бири билан мувофиқлаштирилиб, инсоннинг эҳтиёжлари ва интилишларини қондириш учун ҳозирги ва келажакдаги салоҳиятни кучайтиради. Бу инвестиция тизими институтларининг макро ва микро даражада инвестиция сиёсати доирасида ички иқтисодиётни ривожлантириш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш механизмларини яратишга қодирлигини англатади. Соғлом инвестиция муҳитининг шаклланиши иқтисодиётнинг устувор тармоқларига инвестицияларнинг кириб келишига ёрдам беради ва давлат бюджетининг даромад қисмини оширади<sup>2</sup>.

Мамлакатнинг инвестиция хавфсизлигини ошириш учун, аввало унинг ҳозирги ҳолатини тўғри баҳолай олиш муҳимдир. Баҳолаш одатда қуйидагиларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади<sup>3</sup>:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигининг реал кўрсаткичлари;
- давлат иқтисодиётида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг умумий самарадорлиги;

<sup>1</sup> <http://www.dslib.net/econom-teoria/jekonomicheskaja-bezopasnost-investicionnoj-dejatelnosti-hozjajstvujuwih-subektov-v.html> Морунув, Виталий Викторович. Экономическая безопасность инвестиционной деятельности хозяйствующих субъектов в условиях трансформации социально-экономических систем : диссертация ... кандидата экономических наук : 08.00.01 / Морунув Виталий Викторович; [Место защиты: Казан. (Приволж.) федер. ун-т]. - Казань, 2012.- 180 с.: ил. РГБ ОД, 61 12-8/2240

<sup>2</sup> Investment activity: textbook. manual for hi-schools / ed. by G.P. Podshivalenko, N.V. Kovaleva. – М.: KnoRus, 2006. – 421 P. 4

<sup>3</sup> Федонина О.В. Инвестиционная безопасность как ключевой фактор устойчивого развития Российской Федерации и Республики Мордовия // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 8, №2 (2016) <http://naukovedenie.ru/PDF/97EVN216.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ. DOI: 10.15862/97EVN216

- мавжуд бўлган асосий капиталга инвестицияларнинг таркиби.

Олинган маълумотларга асосланиб, инвестиция хавфсизлиги ҳолати таҳлил қилинади. Унинг доирасида қуйидагилар аниқланади:

- реал мавжуд таҳдидлар;
- мониторинг ва назоратнинг асосий объектлари;
- ўлчаш керак бўлган асосий кўрсаткичлар;
- инвестицион хавфсизлик кўрсаткичлари.

Инвестициялар хавфсизлиги даражасини баҳолаш узоқ муддатга аниқлаб бўлмайдиган мураккаб жараён ҳисобланади. Биринчидан, бу умумий қабул қилинган мезонларнинг йўқлиги билан боғлиқ. Шунингдек, улар асосида хавф омиллари ва барқарорлик параметрларини аниқлаш мумкин бўлсада, аммо уларнинг динамикасини аниқлаш қийин ҳисобланади. Бироқ, инвестиция жараёнини режалаштиришда уларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Бу каби таҳлил 3 даражада амалга оширилади: макро, мезо ва микро иқтисодиёт кесимида<sup>4</sup>. Макроиқтисодий сегмент умуман иқтисодиётдаги вазиятни кўрсада, мезо даражада иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақалари даражасидаги вазият акс этади. Микроиқтисодий сегментда еса алоҳида компаниялар ёки корхоналар даражасини ҳисобга олади.

Мамлакатдаги инвестицион хавфсизликни аниқловчи бир қанча кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киритиш мумкиндир:

- ЯИМнинг ажралмас қисми сифатида асосий капиталга инвестициялар;
- ИТТКИга инвестициялар ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоизда;
- умумий инвестициялардаги хорижий инвестицияларнинг улуши.

Шунингдек, асосий капиталнинг реал ҳолати, шу жумладан модернизация қилиш даражаси; мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция жараёнларининг рентабеллиги; ялпи ички маҳсулотга ялпи инвестицияларнинг улуши; иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги; мавжуд инвестициялар динамикаси ҳам инвестицион хавфсизликни аниқлашда муҳим рол ўйнайди.

Инвестицион хавфсизлик иқтисодий хавфсизликнинг қуйи тизими сифатида белгиланиши мумкин. Ушбу ёндашув инвестицион хавфсизлик муаммоларини миллий хавфсизлик доирасида ўрганишни ўз ичига олади. Инвестицион хавфсизлик концептуал ҳужжатлар асосида мақсадли чоратадбирлар ва уларни амалга ошириш механизмларини таъминланиши керак. Ҳар қандай мамлакатнинг инвестицион хавфсизлигининг мазмуни – бу мамлакатнинг миллий манфаатларини таъминлайдиган иқтисодий ва сиёсий қарорларни қабул қилишга хорижий капиталнинг таъсирини истисно қилиш

---

<sup>4</sup> <https://investoriq.ru/teoriya/investitsionnaya-bezopasnost.html>

саналади<sup>5</sup>. Инвестициялар хавфсизлигини таъминлаш тизимини миллий ва минтақавий даражада инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш механизмини, шунингдек, хорижий капиталнинг миллий иқтисодиётга салбий таъсирини аниқлаш, зарарсизлантириш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширадиган ташкилотлар ва муассасалар мажмуи сифатида белгиланиши мумкин. Бундан ташқари, инвестициялар хавфсизлиги соҳасида қарор қабул қилиш тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни талаб қилади<sup>6</sup>.

Инвестицион хавфсизлигикни ошириш чораларига қуйидагилар киради:

- иқтисодий тизимни унинг янада ўсишини рағбатлантириш учун етарли бўлган миқдордаги молиявий инвестициялар билан таъминлаш;
- йўналтирилаётган инвестициялашнинг тармоқ ва минтақавий таркибини оптималлаштириш;
- режалаштирилган инвестиция жараёнларини енг самарали даражада амалга ошириш;
- инвестиция механизмлари ва институтларини янада ривожлантириш ва бошқалар.

Шунингдек, инвестицион хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкиндир<sup>7</sup>:

- Инвестицион лойиҳалаш тартибини ахборот ва таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;
- ижтимоий-сиёсий ва умумий иқтисодий вазият ва уни ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш;
- маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар бозорларини ўрганиш ва уларнинг динамикасини башорат қилиш;
- инвестиция лойиҳасининг асосий параметрларини тармоқ ва компаниянинг ҳақиқий хусусиятларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, лойиҳани амалга ошириш имкониятларини баҳолаш;
- молиявий ҳолатни таҳлил қилиш ва прогнозлаш, молиявий оқимларни бошқариш;
- молиявий оқимларни бошқариш учун молиявий ва моддий оқимларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган инфратузилма ва логистика яратиш;

---

<sup>5</sup> Эминова, Н.Э. (2015). Инвестиционная безопасность России в условиях глобализации. Российское предпринимательство, 16(20), 3377–3386. doi: 10.18334/rp.16.20.2013

<sup>6</sup> Баликоев, В.З., Гребенщикова, И.Д. (2010). Как преодолеть региональную асимметрию в России?. Экономическое возрождение России, 3, 6-14.

<sup>7</sup> Ялмаев Р. А., Эскиев М. А., Бексултанова А. И. Инвестиционная безопасность предприятия и направления его укрепления // Молодой ученый. — 2015. — №21. — С. 523-525. — URL <https://moluch.ru/archive/101/22811/> (дата обращения: 29.08.2019).

- шерикларнинг ишончлилигини баҳолаш ва жиноий тузилмалар таъсирига қарши кураш тизимини яратиш;

- лойиҳани режалаштиришда бузилишлар юзага келган тақдирда фавқулодда вазиятларга тезкор жавоб қайтариш учун барча босқичларда лойиҳани амалга оширишни мониторинг қилиш ва бошқариш;

- инвестиция лойиҳаси бўйича ташқи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгаришига адекват равишда жавоб бериш ва лойиҳага тўлиқ ўзгартириш киритилгунга қадар ўз вақтида ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Инвестициялар хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини самарали ҳал қилиш учун доимий равишда қуйидагиларни бажариш керакдир<sup>8</sup>:

- хорижий инвестициялар таъсири остида иқтисодий фаолият ва иқтисодий ривожланишни баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- иқтисодиётга сармоя киритмоқчи бўлган аниқ хорижий фирма ва компаниялар, шунингдек инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этадиган субъектларнинг шериклари билан танишиш;

- хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётнинг ривожланишининг турли жиҳатларига салбий таъсирининг турли хил кўринишларини аниқлаш, уларнинг миллий манфаатларга мувофиқлиги текшириш;

- хорижий инвестициялар таъсири остида иқтисодий ривожланишнинг салбий тенденцияларининг олдини олиш ёки зарарсизлантириш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ва чоралар кўриш ва бошқалар.

Давлат учун инвестиция фаолиятини енг мақбул ва енг самарали тартибга солувчи куч бу – ҳуқуқдир<sup>9</sup>. Шу сабабли ҳам инвестиция фаолиятини самарали ташкил етишда асос ролини бажарувчи нормативе ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш муҳим саналади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестицион жозибадорликни таъминлаш, миллий иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни жадал жалб етиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019-тилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб еълон қилиниши ҳам бунинг яққол исботидир. Айниқса, мамлакатимизда президентимиз раҳнамолигида миллий иқтисодиётимизга киритилаётган хорижий инвестицияларни оқимини ошириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Биргина 2018 йилда 18 та

<sup>8</sup> [https://studbooks.net/1713349/ekonomika/analiz\\_vliyaniya\\_inostrannyh\\_investitsiy\\_ekonomicheskuyu\\_bezopasnost\\_strany](https://studbooks.net/1713349/ekonomika/analiz_vliyaniya_inostrannyh_investitsiy_ekonomicheskuyu_bezopasnost_strany)

<sup>9</sup> Коновалов В.В. Проблемы судебно-арбитражной практики правового обеспечения инвестиционной деятельности в России // Российский судья, М.: Изд. группа «Юрист» 2012, N 3. С.22-26.

давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚСХ долларига тенг инвестициявий келишувларга еришилди. Бугунги кунда юртимизда чет ел инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚСХ доллари миқдорига 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакатдаги инвестицион муҳитни яхшилаш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “хуфёна” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини еркинлаштиришни давом эттириш сиёсати олиб борилмоқда.

2019 йилги давлат Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўпдир. Шунингдек, 2019 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб борилаётгани натижасида жами инвестицияларнинг 25 фоизини тўғридан-тўғри чет ел инвестициялари ташкил етмоқда. Хусусан, жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида еътибор қаратилгандир. Шу борадаги ишлар натижасида 2018 йили 1 миллиард доллардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган, 133 та корхона ишга туширилган бўлса, жорий йилда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида 209 та ҳудудий лойиҳа амалга оширилиб, 1,9 миллиард доллар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган<sup>10</sup>.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестицион жозибадорликни ошириш, айниқса хорижий сармояларни кенг жалб қилишга алоҳида еътибор берилмоқда. Қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

<sup>10</sup> <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana/5218-investitsiya-loyihalarini-ishlab-chiqish-va-amalga-oshirish-bo-yicha-asosiy-vazifalar-belgilandi>

- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

- чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Мамлакатимизга чет эл инвестициялари киритишнинг қуйидаги шакллари мавжуд саналади:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

- чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

- концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

- шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Чет ел инвестицияси иштирокидаги корхоналар ташкил этиш учу еса қуйидаги шартларни бажариш талаб этилади:

- корхона Низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак;

- корхона қатнашчиларидан бири чет эллик юридик шахс бўлиши шарт;

- устав жамғармасининг камида 30 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этиши керак.

Бу ўринда чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини таъминлашга ҳам еътибор қаратилиб, чет эллик инвестор қуйидаги ҳуқуқларга эга

саналади: инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

- ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

- Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

- инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

- ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

- ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

- давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилаётган иқтисодиёт тармоқлари ёки ҳудудлар кесимида инвестиция киритиш учун қандайдир чекловлар белгиланмаган.

Ўзбекистонда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган ҳуқуқий институтлар мавжуд бўлиб,



2007 йил 1 январидан республикада ҳакамлик судларини ташкил қилиш, уларнинг мунтазам ва вақтинча фаолият юритувчи турлари фаолиятини йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган «Ҳакамлик судлари тўғрисида» ги Қонун кучга кирди. Шу тариқа, ҳозирги вақтда хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатларини ҳимоя қилишнинг мавжуд воситалари билан бир қаторда томонлар келишуви билан республика ҳудудида икки томон манфаатини кўзлайдиган мустақил экспертларни жалб қилган ҳолда ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин. Шу билан бирга, Адлия вазирлигига хорижий сармоядорлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги қрхоналар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича вазифалар юклатилган. Шу мақсадда Адлия вазирлиги тузилмасида Хорижий сармоядорлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди<sup>11</sup>.

Мамлакатимизда инвестицион фаолиятни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармони қабул қилинди (ПФ–5717, 14.05.2019 й.)<sup>12</sup>. Фармонга мувофиқ, 2020 йилдан Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури 3 йиллик даврга шакллантирилади ва қуйидагилар амалга оширилади:

- Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Дастурнинг амалга оширилишини умумий мониторинг ва назорат қилиш юзасидан ваколатли орган ҳисобланади.

- Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бюджетдан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини шакллантиради.

- Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ойига камида бир маротаба хорижий инвесторлар билан учрашувлар ўтказди.

- Ҳукумат томонидан “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилади.

- Қарор билан иқтисодиёт ва саноат вазирининг инвестиция дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш масалалари бўйича вазир ўринбосари лавозими жорий этилди.

- Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Инфратузилмавий лойиҳалар таҳлили гуруҳи ташкил этилди.

<sup>11</sup> <https://mift.uz/uz/investp>

<sup>12</sup> <http://lex.uz/docs/4336166?ONDATE=15.05.2019%2000>

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инвестицион хавфсизлик иқтисодий хавфсизлик, умуман миллий хавфсизликнинг муҳим қисми бўлиб, у мамлакатдаги инвестицион жараёнларнинг миллий иқтисодиёт ривожига ижобий таъсини таъминлаш ва салбий эффектларини олдини олишга қаратилган бўлади. Мамлакатдаги инвестицион ҳолат иқтисодий ривожланиш, ўқишга замин яратса ва миллий манфаатларнинг заифлашувига олиб келмаса, мамлакатда инвестицион хавфсизлик таъминланган бўлади. Глобаллашув шароитида, умуман халқаро майдонда мамлакатлар табиий ҳом-ашё заҳиралари, ишлаб чиқариш омиллари, истеъмол бозорларини егаллаб олиш, айниқса инсон капиталини ўзаро талашаётган бир шароитда, инвестицион, умуман иқтисодий хавфсизликни таъминлаш янада долзарб аҳамият касб этади. Зеро, миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг миллий манфаатларнинг заифлашувига олиб келмаслигини назорат қилиш муҳим вазифалардан бирига айланади.